

PROBLEMS IN THE TRAINING OF TEACHERS OF TECHNOLOGICAL EDUCATION

Luhmanov DB

Teacher of the Department of Technology Education,
Chirchik State Pedagogical Institute, Tashkent region

Abstract:

The reforms being implemented in the Republic of Uzbekistan are based on the choice of a unique path of socio-political and economic development in society, as well as the adoption of the "National Program of Personnel Training" to create a system of continuous education that meets modern requirements. Purposeful state policy is recognized as one of the priorities in ensuring the development of social society.

Жамиятда руёбга чиқарилаётган ислохатлар талабларга тўлиқ жавоб берувчи, янги шароитларга қисқа муддатда мослаша оловучи, меҳнат бозорида мутахассислар муроҳозасига қўйилаётган талаблар даражасида самарали фаолият йурутувчи етук мутахасисни шакллантириш долзарб муаммо бўлиб келган ва долзарблигича қолмоқда.

Технологиг таълим йўналишида бўлажак ўқитувчиларни таёrlаш жараёни шунингдек, ушбу мутахасисларга қўйилган талаблар бу борада қўйдаги муаммоларнинг мавжидлигини кўрсатади:

- Мактаблар раҳбарияти томонидан ушбу касб ўқитувчиларига бўлган этибори етарли даражада эмаслиги;
- Педагогика олий таълим муассасаларида ҳам устахоналар талаб даражасида жихозланмаганилиги металларга механикавий кесиб ишлаш устахоналарида металл кесиши станоклари ва кесувчи асбобларни етарли даражада эмаслиги ва ҳакозолар
- Мактабларда маҳсулот тайёрлаш учун материаллар (заготовкалар) мавжуд эмаслиги;
- Дарс мобайнида деярли инновацион технологиялардан фойдаланилаётганли ва ҳаказолар.
- Олий педагогик таълим тизимида Технологик таълим йўналиши бўйича кадрларни тайерлаш ўқув режаларида фанларни блоклар аро жойлашуви ижтимоий жамиятда педагогик таълим асосий мақсадларига мувофиқ эмаслиги касбий кўникмаларни эгаллашда имкон берувчи омиллар етарлича амалга оширганилиги;
- Юқорида қайд этилган омиллар ва бошқа сабабларга кўра “Технологик таълим” йўналиши бўйича мутахасислар тайёрлаш З йилга келтирилди.
- Умум мухандислик фанларининг технологик жиҳатдан ўзаро яқинлашув мазмуни касб этмоқда.
- Ушбу холат таълим жараёнига таълим шакллари методлари ва воситаларининг яхлит ташкил этувчиси бўлими талабига жавоб бера оладиган компьютер технологиясининг жадал татбиқ этилиши учун зарур ижтимоий асосларини яратиб янги инавацион ва педагогик технологияларини шаклланишига асос бўлди.
- Босқич гумманитар ижтимоий – иқтисодий фанлар ҳамда математика ва табиий илмий фанлар ахборот- технология ихтисослик танлов фанлари ишлаб чиқариш амалётидан олинган болим ва амалий кўникмалар технологик таълим методикаси фанида олинган билим ва амалий кўникмалар педагогик амалиётида ўз татбиқини топади.
- Бўлажак технологик таълим ўқувчиларини аудиторияда олган назарий билим ва амалий кўникмаларини амалиётга тадбиқ этиш ва ўз шахсий ва индивидуал имкониятларини рўёбга чиқаришда педагогик амалиёт қулай имконият яратади

Замановий педагогик технологиялардан фойдаланган холда, ўқитишининг илғор услубларни жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлодни касб – хунарга ўргатиш, керакли билим ва кўникмаларга эга мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, ҳамда бунинг негизида уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари, ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг

кўламда фойдаланишлари учун имкониятлар яратиш мақсадида таълим тизимида ўқитишининг замонавий технологиялари, усулларини яратиш ва ўкув жараёнинг жорий этиш масалалари бугунги куннинг долзарб масаласи хисобланади.

Шу боисдан, таълим тизимида инновацион технологияларни кўллашга бўлган қизиқиши, эътибор кун сайин кучайиб бормоқда. Бундай бўлишининг сабабларидан бири шу вақтгача таълим мақсадлари ўқувчи ёшларни фақат тайёр билимларни ўзлаштириб олишга қаратилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари кидириб топишларига, хатто хуносаларни хам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади.

Инновацион технологиялар педагогик жараёнда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига янгилик, ўзгартиришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда интерфаол методлардан фойдаланишни тақозо этади.

Интерфаол усуллар таълим жараёнида қатнашётган хар бир ўкувчининг фаоллигига, эркин ва мустақил фикр юритишга асосланади. Бу усуллардан фойдаланганда билим олиш ўқувчи учун қизиқарли машғулотга айланади. Интерфаол усуллар кўлланилганда ўкувчилар ўқитувчилар ёрдами ва хамкорлигида мустақил ишлаш қўникма ва малакаларига эга бўладилар. Ўкувчилар янги билимларни илмий изланиш, тадқиқотчилик, тажриба – синовлар ўтказиш асосида ўзлаштирадилар. Илм орқали билим олиш тамойилига амал қиласди. Таълим жараёни қатнашчилари кичик гурухларга бўлинган холда ишлashingadi. Ўкув топшириклари алоҳида бир ўкувчи эмас, балки кичик гурухнинг барча аъзоларига берилади. Микрогурухларнинг хар бир аъзоси топшириқни бажаришда ўз хиссасини қўшишга харакат қиласди. Бу холат ўкувчиларда жамоа туйғусини шакиллантиради ва уларнинг ташабускорлигини орттиради. **Таълим жараёнини ташкил этишининг асосий шакли дарсdir.** Хозирги пайтда дарснинг хилма - хил ноанъянавий шакллари жорий этилмоқда. Бундай дарслар ўкувчининг ижодий қобилиятини ўстириши, ақлий салоҳиятини кўчириши, илмий дунёқарашини кенгайтириши ва хар бир янгиликни тез ва тўла қабул қила олиш қўникма ва малакаларини таркиб топтиради.

Дарс жараёнида инновацион технологияларни кўллаб ўкувчиларда илмий изланишга қизиқишини ўйғотади, ижодкорлик ва бунёдкорлик қобилиятини ривожлантиради. Натижада эгалланган билим, қўникма ва малакалар амалий фаолиятда татбиқ этилади, ўзлаштириш сифати ошади. Бунинг учун ўқитувчи маҳоратли бўлиши ва мавзуларнинг мазмунига қараб дарсни тўғри режалаштириши, машғулот давомида барча ўкувчиларни фаол ва онгли ишлашларига эришмоғи лозим.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги замонавий таълим тизими сўнгги йилларда шу соҳада олиб борилган улкан ўзгаришларнинг самарасидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, таълим олиш бугунги кунда жамият ижтимоий хаётининг бир қисми бўлибгина қолмай, балки унинг ривожланишидаги муҳим омиллардан бири хисобланади. Чунки келажак авлодни тарбиялашда таълимнинг ўрни хал қилувчи ўринлардан бири эканлиги барчага маълум.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида таълим тизимига кўплаб илғор инновацион технологиялар кириб келди. Энг аввало ўкувчилар пассив тингловчи ва қўчириб олувиши шахслардан дарс жараёнида фаол иштирок этувчи шахсларга айлантирилди. Бунда уларнинг ўз ақлий лаёқатлари даражасини намоён қилиш имконияти очиб берилди. Аввалги вақтларда таълимнинг вазифаси кишиларда билимларни, қўникмаларни, информацион ва ижтимоий хусусиятларни шакиллантириш ҳамда шахсларнинг жамиятдаги шароитларга мослашишидан иборат бўлган “хаётга тайёрлаш”дан иборат бўлган. Хозирги пайтда эса таълим шахсларда жамият ва шахсий манфаатлар орасидаги мувазанатни вужудга келтирувчи таъсир механизимларини ишлаб чиқаришга, шахсларнинг ўзларини такомиллаштириб бориши ва хаётда ўз ўрнини топиб, жамиятда самарали маҳнат қилиш йўлларини ўргатишга йўналтирилмоқда. Кўпчилик таълим муасасалари ўз фаолиятига янги замонавий элементларни жорий қилишни бошлади, бироқ бундай ўзгаришлар тезда ривожланишга бўлган талаб ва педагогларнинг бу талабни кондира олмасликлари натижасида қийинчиликлар юзага келди. Таълим муссасаларни ривожлантириш учун “янги”, “янгилик”, “инновациян”, “инновацион жараён” каби биринчи кўришда содда, лекин аслида мураккаб бўлган тушунчаларни ўзлаштириш зарур.

Авваллари инновацион масалалар фақат иқтисодий томонлама кўриб чиқилган. Бироқ вақт ўтиши билан инновацион лойихаларнинг сифатини баҳолаш лозимлиги маълум бўлди. Инновацион технологиялар билан боғлиқ бўлган педагогик муаммоларни хал қилиш таълим соҳасидаги мавжуд муаммоларни тахлил қилишга боғлиқ.

Шундай қилиб, инновацион фаолият таълим – тарбия жараёнида ўқувчи ва ўқитувчини хамкорга айлантиради. Дарсни қизиқарли ва самарали бўлишинин таъминлайди.

Ўқувчиларда технологик таълим фанларини ўрганишда мавзуларнинг мазмун ва моҳиятини имкон тўлиқроқ очиб бериш муҳимлигини хисобга олган холда, дарсларда ўзига хос педагогик маҳорат, малака ва маҳсус жиҳозлардан фойдаланиш зарурияти пайдо бўлади. Бунда педагогик маҳорат ва малака бевосита педагогнинг ақлий салоҳиятига боғлиқ бўлса, маҳсус воситалар сифатида замонавий инновацион технологиялар ва бошқа технологиялардан фойдаланишнинг ўрни катта хисобланади. Ишнинг мақсади технологик таълими фанлари ўқитишда мавзуларни инновацион технологиялар асосида ўтишнинг самарали йўлларини аниқлашдан иборат.

Технологик талим йўналишларига мувофиқ мутахассисларни тайёрлаш ва сифатини назорат қилиш Давлат талим стандартларида акс эттирилган мажбурий талабларга мос равишда олиб борилиши шарт.